



asr

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

18-may 2023-yil 20 (1018)



www.21asr.uz



@XXlasr_yangiliklari



XXlasrgazetasi



xxi_asr@mail.ru



asr_xabarлари_news

BARQARORLIK UCHUN INVESTIICIYA

Самарқанд шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг йиллик йиғилиши бўлиб ўтмоқда

Самарқанд шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши ўтказилмоқда. Анжуманда 70 та мамлакатдан икки ярим мингдан зиёд делегат иштирок этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрига сафарини Ҳазрати Ҳизр мажмуасида бошлади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мақбараси зиёрат қилиниб, Қуръон оятлари тиловат этилди, дуо ўқилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари ЕТББ саммитида қатнашаётган Франция тараққиёт агентлиги бош ижрочи директори Реми Риуни қабул қилди. Учрашувда Янги Шериклик дастури ва "йўл харитаси" доирасида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди. Икки ўртадаги қўшма лойиҳалар портфели ўтган йилда ўттиз фоизга ошиб, 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг Самарқанд саммити доирасида Еврокомиссия Раиси ўринбосари Валдис Домбровскис бошчилигидаги Европа Иттифоқи делегациясини қабул қилди. Ўзбекистоннинг ЕИ институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини, шу жумладан, минтақавий шериклик форматида кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми жорий йил бошидан 65 фоизга ошди. Европанинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтлари билан амалга оширилаётган ва истиқболдаги лойиҳалар портфели 20 миллиард евродан зиёдни ташкил қилмоқда.

ЕИ институтлари билан фаол мулоқотни, энг аввало, иқтисодий йўналишда давом эттириш муҳимлиги таъкидланди. Бунда Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни қабул қилиш, мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши, "GSP+" преференциялар тизимида иштирок этиш билан боғлиқ масалалар эътибор марказида турибди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрига ташриф доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Басони қабул қилди. ЕТББ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши глобал иқтисодиёт истиқболларини кенг муҳокама ва чуқур таҳлил қилиш, уни барқарор ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун муҳим

майдон бўлишига ишонч билдирилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги самарали ҳамкорлик юксак даражага кўтарилди. 2017 йилдан буён банк мамлакатимизга 3,3 миллиард евро инвестиция киритди, лойиҳалар портфелининг 55 фоизи хусусий секторга тўғри келмоқда. Ўзбекистон ЕТББнинг минтақадаги етакчи ҳамкори ҳисобланади ва амалиётлар ҳажми бўйича биринчи белликка қиради.

Янги узоқ мuddатли Шериклик стратегиясини тайёрлаш ва бойитиш масалалари диққат марказида. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, хусусийлаштириш ва иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини, "яшил" ва инновацион технологияларни жорий қилиш ҳамда "Яшил шаҳарлар" дастуридаги иштирокини кенгайтириш борасидаги дастур ва лойиҳалар ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши йиғилишида нутқ сўзлади. "Тобора кучайиб бораётган ҳозирги геосийёсий зиддиятлар даврида бундай очик ва яқин мулоқотлар, дўстона алоқаларни янада кенгайтириш барча мамлакатлар учун албатта ниҳоятда зарур. Шу маънода бугунги нуфузли анжуманинг асосий мавзуси "Барқарорлик учун инвестиция", деб белгилангани катта аҳамиятга эга", деди давлатимиз раҳбари.

"Ўзбекистон инвестиция тақдими"да мамлакатимиз бизнес соҳасида қандай катта имкониятларга эга экани атрафлича кўрсатиб берилди. Бундан ташқари, анжуман доирасида бўлиб ўтадиган сессия ва учрашувларда соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилма, транспорт, энергетика соҳаларида 40 дан ортиқ ийрик давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тақдими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, мазкур муҳим анжуман давлатлар ўртасидаги кўп қиррали ва узоқ мuddатли алоқаларни янги босқичга олиб чиқади, иқтисодиётларимиз ривожини учун сармояларни янада кўпайтиради, барча аъзо мамлакатлар тараққиётига беқиёс ҳисса қўшади.

Шоҳрух ҚУРБОНОВ

ЎZLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА МУҲИМ МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда шу йилнинг 9 июль кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига мuddатидан илгари сайловда ЎZLiDePнинг иштироки ва партиянинг навбатдаги Съездида партиядан кўрсатиладиган номзод масаласи муҳокама марказида бўлди.

Мажлисида ЎZLiDeP етакчи сиёсий куч сифатида миллионлаб электорат хоҳиш-истакларини ва манфаатларини кўзлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига мuddатидан илгари сайловда муносиб номзод билан иштирок этиши бўйича қарор қабул қилинди.

Мажлисида, шунингдек, партия ҳудудий кенгашларидан сўзга вакилик меъёри, уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Яқунда ЎZLiDeP Сиёсий Кенгаши томонидан сайлов қончилигида белгиланган мuddатларда Марказий сайлов комиссиясига партиянинг сайловдаги иштироки билан боғлиқ ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тақдим қилиш, жойларда партия сўзига делегатларни сайлаш юзасидан ЎZLiDeP вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари конференцияларини ўтказиш ва бошқа зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Давоми 2-саҳифада. ►►



ЎZLiDePнинг Президентлик Сайловида Иштирок Этишига Расман Ижозат Берилди

15 май кuni Марказий сайлов комиссиясининг мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига бағишланган навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида ЎZLiDePнинг ваколатли вакили ҳам иштирок этди.

Йиғилишда сиёсий партияларнинг мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сайлов кодексига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан ЎZLiDePнинг мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида иштирок этишига ижозат беришни сўраб тақдим қилган ҳужжатлари кўриб чиқилди ва партиямизга 2023 йил 9 июль кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида иштирок этиши учун ижозат берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, мажлис доирасида, ЎZLiDePнинг ваколатли вакилига сайловда иштирок этишига ижозат берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда белгиланган намунадаги имзо варақалари бланкалари топширилди.

ЖАМОАТ ҚАБУЛХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ

ЎZLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида ҳамда партиянинг ҳудудий кенгашлари ҳузурда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг Жамоат қабулхонаси ва Call (телефон кўнғироқлари) маркази ташкил этилди ҳамда аъзолар таркиби тасдиқланди.

Ушбу қабулхоналар Президентлик сайлови жараёнида муттасил ишлайди.



ИМЗО ТўПЛАШГА КИРИШИЛДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловда чора-тадбирларини амалга оширишга улкан масъулиятни ҳис этган ҳолда ёндашмоқда.



Мамлакат Президентлигига ЎZLiDePдан кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қувватлаш борасида сайловчилар имзосини тўплаш ишларини ушқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Унга кўра, ҳудудий партия ташкилотлари қошида ишчи гуруҳлар ташкил этилди, улар сайловчилар имзоларини тўплаш жараёнида фаол иштирок этишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш ва имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текшириш тартиби Марказий сайлов комиссиясининг Низоми асосида тартибга солинади. Қоидага мувофиқ, сайловда иштирок этишига ижозат берилган сиёсий партия кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида бир фоизи имзосини тўплаши керак. Бунда битта маъмурий-ҳудудий тузилмада, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳрида, сиёсий партия тегишинча имзолар умумий сонининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Имзо тўплаш яқунланганидан сўнг партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида ҳудудий партия ташкилотларидан имзо варақаларини қабул қилиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилди. Сўнгра сиёсий кучнинг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикланган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни тўлиқ текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Сайловчиларнинг имзосини тўплаш партиянинг 14 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотларида, иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловдаги тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилмоқда.

ЎZLiDeP матбуот хизмати

Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.

O'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА МУҲИМ МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Йиғилиш аввалида O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ақтам Хайтов сўз олиб, бугун мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, қишлоқ хўжалиги, sanoat тармоқлари, умуман, барча соҳаларида жадал суръатлар билан ўсиш таъминланаётганини халқимиз ва дунё ахли эътироф этаётганини, ватандошларимиз ана шу ислохотлар янада шиддат билан давом этишини истаганини эътироф этди.

– Узининг бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятини Ватанимиз тараққийоти ва фаровонлигини таъминлашга бағишлаган, кўп йиллардан бери халқимизнинг юксак ишончи ва меҳр-муҳаббатини қозongan Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини илгари суришни энг тўғри қарор деб ҳисоблаймиз. – деди партия етакчиси. – Номзодимиз – Янги Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган ислохотлар муаллифи. Ва уларни дадил давом эттириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор ва талабчан, жонкуяр ва ватанпарвар, жуда катта ҳаётий тажрибага, улкан сиёсий салоҳиятга ҳамда фавқулодда юқори ташкилотчилик қобилиятига эга раҳбардир.

Биз Шавкат Миромоновичи Президент сифатида ўтаётган етти йилда амалга оширган ислохотларнинг бевосита иштирокчиси сифатида, у кишида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатни нафақат изчиллик билан давом эттириш, балки янада юксак даражага олиб чиқиш борасида ҳам халқнинг ташаббусларга эга эканлигига тўла ишончимиз қомил.



Клара ЖУМАМУРАТОВА,
Хоразм вилоятидаги “Феруз-Хоразм”
тикувчилик акциядорлик жамияти
бошқаруви раиси:

– Кейинги йилларда юртимизда амалга оширилган ва оширилаётган кенг қўламли ислохотларни барчамиз кўриб, билиб, ҳис қилиб турибмиз. Мана, масалан, тadbirkorлик соҳасидаги ўзгаришларнинг, янгиликларнинг ўзи юқоридаги фикрини тўлиқ тасдиқлайди. Бу соҳада сўнгги олти йилдаги дадил қадамлар сабаб чинакам эркинлик даври бошланди. Айниқса, ишбилармонларимиз яхши билади: Президент фармони билан тadbirkorлик фаолияти устидан текширувларга мораторий жорий қилинди, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан соддалаштирилди, давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш, рақобатни қўллаб-қувватлаш орқали давлатнинг иқтисодиётга аралашуви чекланди.

Ана шу ҳаётбахш янгиликлар, ўзгаришлар амалдаги Президентимиз ташаббуси, саяё-ҳаракатлари билан амалга ошириляпти. Албатта, минглаб тadbirkorлар, ишбилармонлар мана шу ислохотларнинг изчил давом этишини хоҳлаётдилар, десам янглишмаган бўламан.

Шахсан мен, Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевни янги Ўзбекистондаги ҳаётий ислохотларни жадал суръатда давом эттира оладиган, халқимизни ҳаётдан рози қилиш учун бор куч-ғайратини ишга солишга тайёр, ишбилармонлари астойдил қўллаб-қувватлайдиган инсон сифатида биламан. Шу босидан, партияимиз томонидан Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди илгари сурилишини тўлиқ қўллаб-қувватлайман.



Муратбай ЖУМАНОВ,
O'zLiDeP Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши раисининг
ўринбосари, Қорақалпоқ давлат
университети профессори:

– Сўнгги йилларда Президентимизнинг бевосита қўллаб-қувватлови билан Қорақалпоғистонда 15 триллион сўм инвестиция ҳисобига 5 мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Tadbirkorлар сонини икки баравар кўпайиб, 45 мингдан ортқ иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон бир эл. Улар бугун мамлакатимиз тинчлиги ва тараққийоти йўлида ҳамжихат бўлиб меҳнат қилишмоқда. Юртбошимизнинг Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича илгари сурган таклифлари натижасида аҳолининг ҳаёт тарзи яхшиланимоқда.

Бир нарсани айтиш мумкинки, кенг-қўламли ва бунёд-

корлик йўлида олиб борилаётган ислохотлар натижасини одамларимиз ўзининг оддий турмуш тарзида сезишмоқда. Уларнинг кайфияти кўтаринки руҳда эканлигини ва ислохотлардан, Президентимиздан халқимиз рози эканлигини кўриб, билиб турибмиз.



Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,
сенатор:

– Янги Ўзбекистонда халқ маънавиятини юксалтириш, миллий адабиёт ва санъатни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани ва бу бошқа халқлар учун ўрнак ва намуна бўлиб хизмат қилаётганини фахр билан эътироф этмоқ жоиз деб ўйлайман. Ўзбекистондаги бугунги янгиликлар ва бунёдкорликлар, айниқса, ўзбек адабиётини ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан сўнгги олти-етти ичида қилинган саяё-ҳаракатлар қўламли ниҳоятда кенгдир.

Бундан узоқ эмас, ўн йилгина аввал Ёзувчилар уюшмаси биноси қаерда десангиз, биров билмасди. Ёки бўлмаса, ижодкорлар бориб дилдан сўхбатлашадиган, мулоқот қиладиган, мушоира ёки маънавий-маърифий тadbirkorлар ўтказадиган тузуқроқ жой йўқ эди. Мана, жуда қисқа муддат ичида шахсан давлатимиз раҳбари ташаббуси ҳамда кўрсатмаси билан уюшмамиз учун жуда ҳашаматли бино, унинг ортида барпо этилган Адиблар хибонидида улуг устоз ёзувчи-шоирларнинг ҳайкаллари қад ростлади, сўлим боғ ҳаммиша гавжум.

Сўзим якунида шуни айтмоқчиманки, мен ҳам мамлакат Президентлигига муддатидан илгари бўлиб ўтадиган

Кексаларимиз юрт тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини сўраб ҳамиша дуода. Улар мамлакатимиздаги ушбу ўзгаришларни ўзларида ҳис қилмоқда ва албатта уларнинг давомийлигини хоҳлашмоқда.



Ҳайдар ЎРОҚОВ,
O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши
ҳузуридаги Фахрийлар кенгаши раиси,
“Навобод насли парранда”
фермер хўжалиги бошлиғи:

– Халқимиз, давлатимиз азалдан деҳқон ва миришкорларни ризқ-рўзимиз бунёдкорлари, дунёдаги энг қадимий ва олижаноб касб эгалари, эл-юрт дастурхонини тўкин ва фаровон этадиган муҳим соҳанинг залворли юқини ўз елкасида кўраётганлар, деб шарафлайди. Ана шу ҳурмат-эътибор, олқишлар кейинги олти йилда аниқ амалий ишларга кўчгани эътиборга молик.

Юртимизда фермер ва деҳқон хўжалиқларини, кластер ҳамда кооперацияларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада талай қонун, Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди. Фермер ва деҳқон хўжалиқларига имтиёзлар, енгилликлар берилляпти.

Сўнгги олти йилда фермер хўжалиқлари томонидан ишлаб чиқариш ҳажми 11 фоизга ошди. 2020 йилда мамлакатимизда ўртача дон ҳосилдорлиги гектаридан 57 центнерни ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 67–70 центнерга етди.

Тилга олинган ижобий ўзгаришларнинг барчаси Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлигида амалга ошди. Олдимизда бу йўналишда янада сал-

Сўнгги тўрт йилда 224 мингдан зиёд хотин-қизга тижорат банклари томонидан қарий 7 трлн сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилган бўлса, ушбу маблағларнинг 4,9 трлн сўми 2020 йилнинг ўзида пандемия даврида ажратилди.

Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадига “Аёллар дафтари” тизими жорий этилиб, давлат бюджетидан ҳар йили 300 млрд сўм маблағ ажратиб бориш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг таълим олишлари, илм-фан билан шуғулланишлари учун шароит яратиш давлатнинг алоҳида вазифасига айланди. Натижада, биргина 2022 йилда олий ўқув юртига қабул қилинган талабаларнинг қарий 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Буларнинг барчасига бевосита ҳурматли Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев саяё-ҳаракатлари ва тинимсиз меҳнатлари эвазига эришилди десак, мулолафа бўлмайдими.



Кувондиқ САНАҚУЛОВ,
“Навоий тоғ-кон металлургия комбинати”
АЖ бошқаруви раиси – бош директори,
сенатор:

– Юртимизда олиб борилаётган одилона ва халқпарвар сиёсат замирида одамларни ҳаётдан рози қилишдек эзгу мақсад муҳассам ва бу мақсад изчил рўёбга чиқарилмоқда. Мен ишонч билан айта оламанки, олиб борилаётган ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қув-



сайловга O'zLiDePдан энг муносиб номзод кўрсатилмоқда, деб ҳисоблайман. Ишончим қомилки, адибларимиз, шоирларимиз ҳам шундай фикрда.


моқлироқ вазифалар турибди. Уларни бажариш учун янада қатъият билан ишлаш, ислохотларни изчил давом эттириш керак.



Содиқжон ТУРДИЕВ,
“Нуроний” жамғармаси
бошқаруви раиси, сенатор:

– Бугун барчамиз мамлакатимиз келажаги, унинг эртаси ва равнақини белгилаб берадиган муҳим сиёсий жараёнларда қатнашяпмиз. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга нафақат бугунги кун, балки келажақ авлод ва унинг тақдирини белгилаб беришчи энг муҳим воқеалардан бири.

Мен нуронийлар вакили сифатида ишонч билан айта оламанки, ҳурматли Президентимиз Шавкат Миромонович томонидан амалга оширилаётган ислохотларни кексаларимиз тўла қўллаб-қувватламоқда. Президентимизнинг эътибори, ғамхўрлигидан илҳомланган нуронийларнинг ижтимоий фаоллиги ошиб бораётганлиги, улар ҳам мамлакат тараққийотида ўзининг ўрни ва ҳиссаси борлигини ҳис этган ҳолда ҳаракат қилаётганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.



Дилнозаҳон КАТТАХОНОВА,
Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги
директори ўринбосари:

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқида шундай деган эди: “...Бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”. Шу гапнинг ўзиёқ бизни руҳлантирган, бир олам иштиёқ, умид бағишлаган эди.

Аёлларга билдирилган катта ишонч туфайли, уларга давлат бошқарувидаги масъулиятли раҳбар лавозимлар ишониб топширилди.

Бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 33 фоизга, сиёсий партияларда 47 фоизга, тadbirkorлик соҳасида 37 фоизга етди.

ватланмоқда. Бўлиб ўтган референдумда 90 фоиздан зиёд аҳолимиз томонидан янги таҳрирдаги Конституцияга ёқлаб овоз берганлигини ўзи ҳам ушбу гапларимизнинг тасдиғи ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик sanoat зонаси ташкил этилди, уларнинг инфратузилмасига 10 триллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, тўқимачилик, кимё, курилиш материаллари, чарм, фармацевтика, электр техникаси каби тармоқларни “драйвер”га айлантириш учун 3 миллиард АҚШ долларлик молиявий ресурслар ажратилди. Sanoatни хомашё билан таъминлаш учун геология-қидирув ишлари уч баробар кўпайтирилиб, 600 тадан зиёд янги кон аниқланди.

45 йилдан бери шу соҳада ишлашнинг алоҳиди ҳаёлимизга ҳам келмаган улкан ишлар амалга ошириляпти бу соҳада. Тўрт йил олдин олтин ишлаб чиқаришини 150 тоннага, мисни эса 400 минг тоннага етказиш утопия ҳисобланарди, мана, бу режалар рўёбга чиқяпти.

Кун тартибидидаги биз муҳокама қилаётган масала ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, халқимиз ва давлатимиз келажагига дахлдордир. Халқимиз партия томонидан тавсия этилаётган номзодни яқдиллик билан қўллаб-қувватлашига ишонаман.

Шунингдек, йиғилиш кун тартибидидаги ушбу муҳим масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари Дилором Файзиева, Эмма Аслонова, O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши раиси, “BEK CORP” компанияси бош директори, сенатор Улуғбек Сотиболдиев, Самарқанд шаҳридаги “Polyglot” ўқув маркази директори Шоҳрух Қудратов ҳам сўзга чиқиб, Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини муддатидан олдин ўтказилаётган президентлик сайловида илгари суришни маъқуллашди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

Суратларни
Шўҳрат РАҲИМОВ олган.

БУГУНИНГ ГАПИ

ХАЛҚ ЎЗ СЎЗИНИ АЙТАДИГАН КУНЛАР ЯҚИН

Хабарингиз бор, Президентимиз жорий йил 8 май куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан ўтказган мулоқотида янгиланган Конституциянинг 128-моддасига мувофиқ, муддатидан илгари Президент сайлови ўтказиш ҳақида бутун халқимизга мурожаат қилди ва унда қолган уч ярим йиллик ваколат муддатидан ўз ташаббуси билан воз кечиш заруратини келтириб чиқарган қарорнинг қабул қилиниши асосларига тўхталиб ўтди.



Мурожаатда таъкидланганидек, эндиликда ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислоҳ қилиниб, улар ўртасидаги муносабат ва мувозанат жиддий ўзгарди. Янгиланган Конституция Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар, ҳокимлар олдида кечиктириб бўлмайдиган янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни қўймоқда. Дунёда ва минтақамизда кескин ва мураккаб жараёнлар ҳукми сураётган ҳозирги вазиятда тўғри ва самарали ривожланиш йўлини излаб топиш ва уни амалга ошириш энг ўткир ва долзарб масалага айланди.

Дарҳақиқат, халқимиз барча соҳаларда гоёя муҳим, долзарб ўзгариш ва ислохотларни кутаётгани сир эмас. Унинг муқаддимаси айнан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муддатидан илгари бўлиб ўтадиган сайловдан бошланганда ҳам ўзига хос рамзийлик бордек.

Чунки халқимиз сўнги олти-етти йилда ҳаётимизда рўй берган барча ижобий ўзгаришларни, ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга кириб бораётган ислохотларнинг ижобий натижасини, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, одамларга муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш борасида эришилган ва халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак даражада эътироф этилаётган ютуқларнинг барчасини ҳақли равишда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев номи билан боғламоқда.

“Бир одамнинг саботи буюк бир миллатни ислоҳ этишга қодир”, деган эди маърифатпарвар бобомиз Фитрат домла. Бир миллион икки юз мингдан ошмиқ маслақдош инсонларни бирлаштирган О‘зЛиДеП – ўз зиммасига бўлажак президентлик сайловида, жамиятни ислоҳ қилишдек машаққатли вазифани янги, ўзига хос босқичда давом эттиришга қодир шахс – Шавкат Миромонович Мирзиёев номзоди.

Мисол учун, нафақат вилоятдаги балки республикамиздаги кўзга кўринган йирик корхоналардан бири “Жиззах аккумулятор заводи” акциядорлик жамиятида фаолият олиб бораётган бошланғич партия ташкилотидан бўлиб ўтган йиғилишда ҳам нафақат қўйи бўғин фаолларининг, балки унда иштирок этган завод ишчи ва ходимларининг ҳам кўтаринки кайфияти, фаоллиги, бўлаётган сиёсий жараёнларга бефарқ эмаслиги яққол кўзга ташланди.

– Айни пайтда ушбу корхонада йилига бир миллиондан ортиқ автомобиллар учун аккумуляторлар ишлаб чиқарилмоқда. 660 нафар ишчи ва ходимлар меҳнат қиладиган завод маҳсулотини бир қатор қўшни давлатлардаги автомобиль ишчибозлари ҳам яхши билишади ва қадрлашади, – дейди корхона муҳандиси, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Шухрат Умаров. – Корхона ишчилари ҳам юртимизда сўнги йилларда бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга берилган эътибор ва имтиёزلарни ўз иш фаолиятларида яққол ҳис қилишаётганини айтишмоқда. Бу эса уларнинг моддий манфаатдорли-

дини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиш масаласини навбатдаги партия Съезди муҳокамасига киритилишини бир овоздан қўллаб-қувватламоқда.

Бўлажақ сайловни юқори савияда ташкил этиш учун О‘зЛиДеП худудий ташкилотларида қизғин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Айни пайтда жойларда партиянинг бошланғич ташкилотларининг умумий йиғилишлари ташкил қилинган, партияимиздан кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қувватлаш мақсадида имзо тўплаш жараёни давом этмоқда.

Мазкур сиёсий жараён айнан қўйи бўғинлардан бошланди. Негаки, бошланғич партия ташкилоти фаоллари – бевосита жойларда, меҳнат корхоналарида одамлар билан доимий алоқада бўладиган, шу сабаб, аҳолининг туриш-турмуши, кайфияти, қизиқиши муаммоларини яхши биладиган маслақдошларимиз ҳисобланади. Бу ҳол қўйи бўғинларда бўлиб ўтаётган умумий йиғилишларда ҳам яққол сезилиб турибди.

Корхонада Ўзбекистон Республикаси Президентлигига О‘зЛиДеПдан кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш жараёни ҳам бўлиб ўтди.

– Маълумки, сайловда иштирок этишига ижозат берилган сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сонининг камида бир фоизи имзосини тўплаши керак. Жиззах вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун – 785 494 нафар сайловчи руйхатга олинган. Сайловчиларнинг имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, тарғибот-ташвиқот ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда белгиланган талабларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилмоқда, – дейди партия Жиззах вилоят кенгаши аппарат раҳбари Шерзод Маматқулов.

Таъкидлаш лозимки, бугун партия Жиззах вилоят кенгаши таркибидagi ўз сафига 102 мингдан ортиқ маслақдошларимиздан бирлаштирган 990 та қўйи бўғиндан партия туман, шаҳар кенгашларининг навбатдаги конференцияларига сайланган барча делегатлар номи аниқ бўлади.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, “XXI asr” муҳбири

ЮКСАК САВИЯДА ЎТАДИ

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа – муддатидан илгари ўтказиладиган президентлик сайловини уюшқоқлик билан ташкил этишга тайёргарлик жараёнлари бошлаб юборилди.



О‘зЛиДеП Тошкент вилоят кенгаши ишчи гуруҳининг навбатдаги штаб йиғилишида сўзга чиққан партия Тошкент вилоят кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев юртимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, барча жабҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларда партиянинг муносиб ўрни борлиги хусусида тўхтади. Сиёсий куч Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муддатидан илгари ўтадиган сайловда муносиб номзод билан иштирок этишга киришганини қайд этди.

Шунингдек, БПТнинг ҳисобот-сйллов йиғилишларини ўтказиш ва партия маҳаллий кенгашлари конференцияларига делегатларни тақдим этишда

эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар, туман ва шаҳар кенгашлари конференцияларини ташкиллаштиришдаги талаблар, Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаб берилган иш режаси бандлари ҳамда талабларини қатъий ва сифатли бажариш юзасидан

зарурий тавсиялар берди. Ўз навбатида, ишчи гуруҳ аъзолари ҳам йиғилишда кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр, мулоҳазаларини билдирди.

О‘зЛиДеП Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати

ЙИРИК ТАШКИЛОТДА ҚИЗГИН МУҲОКАМА

“UzAutoMotors” акциядорлик жамияти Хоразм филиалида минг нафардан зиёд О‘зЛиДеП аъзолари меҳнат қўлиб келмоқда. Мазкур корхона халқимизга йилига 120 мингдан зиёд “Дамас” русумли автомашиналарни етказиб беради.



О‘зЛиДеП Хоразм вилоят кенгаши раиси Исрол Файзуллаев ва партия туман кенгаши масъуллари иштирокида ушбу АЖда ўтказилган йиғилишда бугун Ўзбекистонда янги давр бошлангани эътироф этилди. Давлат ва жамият ҳаёти, юрт истиқболи йўлидаги улғувор ишлар давлат ҳокимияти тизимини янгилашни тақозо қилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, йиғилишда муҳим сиёсий жараённи ўтказишда БПТ ҳамда партия фаоллари олдида турган долзарб вазифалар қизғин муҳокама қилинди.

БПТ раиси Отабек Ортиқовнинг эътироф этишича, жамият ишчи-хизматчилари ўтган қисқа фурсатда ўнлаб янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этдилар. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди, маҳсулот сифати яхшиланди. Жамиятда эришилаётган ютуқларга, табиийки, партия фаоллари муносиб ҳисса қўшмоқда. Бошланғич ташкилот билан партия депутатлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилганлиги босис аҳоли мурожаатларига ўз вақтида ечим топишмоқда.

Йиғилишда якунида “UzAutoMotors” АЖ Хоразм филиалида бошланғич партия ташкилотидан Тупроққалъа туман кенгашининг навбатдаги XII конференциясига делегатлар сайланди.

Насиба ВАИСОВА, О‘зЛиДеП Хоразм вилоят кенгаши бўлим мудир

ҚУЙИ БЎҒИНДАГИ КАТТА ИШЛАР

Бугунга келиб О‘зЛиДеП Тойлоқ туман кенгаши таркибида 7560 нафар сафдошмизни бирлаштирган 69 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг 9 июль куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик жараёнларида таянч бўғинлар ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Хусусан, айна кунларда қўйи бўғинларда партия туман, шаҳар бўлими конференцияларига делегат сайлаш мақсадида умумий йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.



Хусусан, “Агробанк”нинг Тойлоқ туман филиали қошидаги БПТда ташкил этилган йиғилишда О‘зЛиДеП бошланғич ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирокини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, таянч тузилмадан

конференцияга делегатлар сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилишда сўзга чиққан О‘зЛиДеП Тойлоқ туман кенгаши раиси З. Авазов юртимизда давом этаётган сиёсий-иқтисодий жараёнлар ва уларда партия фаолларининг ўрни ҳақида батафсил маълумот берди. Тадбир яку-

нида мазкур БПТ раиси Санжар Амонов партия Тойлоқ туман кенгашининг навбатдаги конференциясига делегат этиб сайланди.

Акмал МИРЗОЕВ, О‘зЛиДеП Тойлоқ туман кенгаши аппарат раҳбари

СИЁСИЙ ИМТИҲОН АРАФАСИДА

О‘зЛиДеП Андижон вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия вилоят, шаҳар, туман кенгашлари аппарат раҳбарлари иштирок этди.



Йиғилишни партия вилоят кенгаши раиси Хуршидахон Халилова кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси бошланганини таъкидлади. Шу муносабат билан О‘зЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 12 май куни бўлиб ўтган йиғилишида партиянинг сайлов кампаниясида муваффақиятли иштирок этиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилгани, галдаги режалар, дастурлар ишлаб чиқилганлиги ва уларда белгиланган асосий вазифаларга эътиборни қаратди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига О‘зЛиДеПдан кўр-

сатилиши таклиф этилаётган номзодни қўллаб-қувватлаш борасида сайловчилар имзосини тўплаш ишларини уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида таъкидланди.

– Мамлакатимиз сиёсий майдонда ўз ўрни ва мавқеига эга, етакчи партиялардан бири бўлган О‘зЛиДеП сайловда ўз нуфузига муносиб таразда иштирок этиши лозим, – деди у. –

Масъулиятли сиёсий имтиҳондан ёруғ юз билан ўтиш учун О‘зЛиДеП вилоят, шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар барча имкониятларини сафарбар этиши лозим.

Музокарада сўзга чиққанлар кун тартибидagi ушбу масала юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

МУХБИРИМИЗ



ВАЗИФАЛАР АНИҚ, МАҚСАД МУШТАРАК

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Марказий сайловолди штабининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилиб, унда партиянинг худудий кенгашларида ташкил қилинган штаблар аъзолари, масъул вакиллар иштирок этди.

Унда О‘зЛиДеПнинг марказий ва худудий кенгашлардаги сайловолди штабларининг асосий вазифалари белгиланган олинди. Хусусан, бошланғич партия ташкилотлари, туман (шаҳар), вилоят конференция-

ларини самарали ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш борасида вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, партия сайловолди кампаниясининг маффуравий, ахборот-таҳлилий ва PR таъминоти, ОАВ билан ишлашни мувофиқлаштириш каби муҳим масалаларда ҳам аниқ вазифалар кўрсатиб ўтилди.

О‘зЛиДеП матбуот хизмати
Суратни Сардор АМИНЖОНОВ олган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЛОВЛАРИ

Маълумки, шу йилнинг 9 июль кунги Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муддатидан илгари сайлов бўлиб ўтади. Ушбу муҳим сиёсий тадбирни юқори савияда ташкил этиши учун О'zLiDeP ҳудудий ташкилотларида ҳам тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирган. Айна пайтда жойларда партия бошланғич ташкилотларининг умумий йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Сайловлар мамлакатдаги демократиянинг нечоғлик ривожланганлигини кўрсатадиган ғоят долзарб воқеадир. Бугун биз ана шу йирик сиёсий жараён арафасида турибмиз. Халқаро андозаларга мос тарзда, адолатли ташкил этилаётган бу галги сайловда муносиб иштирок этиши О'zLiDePнинг ўз олдига қўйган устувор мақсади ҳисобланади.

ГУЛЗОДАГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Айна пайтда О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши таркибида фаолият олиб бораётган ва ўз сафига 100 мингдан ортиқ маслақдошларни бирлаштирган бошланғич партия ташкилотларида ҳам умумий йиғилишлар бўлиб ўтди. Унда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг XIV мажлисида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш масаласи муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, тадбир давомида туман (шаҳар) партия кенгашларининг навбатдаги конференцияларига делегатлар сайланмоқда.

Абу Али ибн Сино номидаги Жиззах жамоат саломатлиги техникумида ташкил этилган ва тажрибали маслақдошимиз Гулзода Зухуро-ва етакчилик қилаётган БПТда бўлиб ўтган умумий йиғилиш ҳам айнан шу долзарб масалага бағишланди.

Мулоқотда қуйи бўғин фаоллари билан бирга партия шаҳар кенгаши ходимлари, халқ депутатлари Жиззах шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам иштирок этишди. Сўзга чиққан депутатлар, партия ходимлари юртимизда давом



этаётган сиёсий-иқтисодий жараёнлар ва уларда партия фаолларининг ўрни ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди.

Умумий йиғилишда техникум директори, БПТ раиси Гулзода Зухуро-ва партия Жиззах шаҳар кенгаши-

нинг навбатдаги конференциясига делегат этиб сайланди.

Шоҳрух ҲОЗБОЕВ,
О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари



КОНФЕРЕНЦИЯГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ

“Шўртан газ кимё мажмуаси” масъулияти чекланган жамиятида фаолият кўрсатиб келаётган О'zLiDeP бошланғич ташкилотининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Очиқ мулоқот тарзидаги тадбир давомида сўзга чиққанлар партиямизнинг мазкур МЧЖдаги таянч тузилмаси бошқаларга намуна бўлаётганини алоҳида таъкидлашди. Чунки бу ердаги маслақдошларимиз корхона миқёси билан чекланиб қолаётгани йўқ. Аксинча бутун Ҳузур туманида амалга оширилаётган ишловлар муваффақиятига муносиб ҳисса қўшишяпти. Бунга қуйи бўғин фаоллари томонидан ўтган давр мобайнида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали одамларнинг бандлиги ва фаровонлигини янада ошириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида қилинган ишлар ҳам кўрсатиб турибди.

Қисқа даврда БПТ аъзолари сони ўттиз нафарга кўпайиши баробарида уларни партиядий топшириқлар билан қамраб олиш ишлари ҳам яшилди. Таянч тузилма йиғилишларида аҳолини қийнаб келаётган ўндан ортиқ долзарб муаммолар партиядий тўғри ва вилоят кенгашларига тақдим этилиб, мақбул ечимларга топшига эришилди. Бошланғич ташкилот томонидан ишчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат муҳофазасини яхшилаш, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш борасида қатор тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди.

– Мажмуамиз Ўзбекистоннинг гигант санъат корхоналаридан бири саналади, – дейди БПТ раиси Хуршид Бердиев. – Ходимлар озод юртимизда амалга оширилаётган ишловларни янада жадаллаштириш борасидаги ишларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ўнлаб янги лойиҳалар амалиётга татбиқ этилиб, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди, маҳсулот сифати яхшиланди. МЧЖ эришаётган ютуқларда О'zLiDeP аъзоларининг ўрни яққол сезилади. Улар ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, модернизациялаш тадбирларининг ташаббускорлари ва ташкилотчиларидир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бошланғич ташкилотимиз билан партия депутатлари ўртасида ҳамкорлик аҳоли йўлга қўйилганлиги боис аҳоли муурожаатларига ўз вақтида ечим топишмоқда.

Йиғилиш сўнггида О'zLiDeP Ҳузур туман кенгашининг XII конференциясига “Шўртан газ кимё мажмуаси” масъулияти чекланган жамиятида фаолият кўрсатиб келаётган О'zLiDeP бошланғич ташкилотидан делегатлар сайланди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

МАСЪУЛИЯТ ЮКИ

О'zLiDeP Термиз шаҳар кенгаши томонидан “Агробанк” АТБ қошидаги бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши ўтказилди.

Унда дастлаб аппарат раҳбари А.Тангиров ва шаҳар кенгаши депутати Т.Абзаиров таянч тузилма томонидан қилинган ишлар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиришди. Сўнгги шаҳар кенгашида бўлиб

ўтадиган конференцияда БПТ вакили сифатида иштирок этадиган номзод сайлаб олинди.

Бу масъулиятли вазифа бир овоздан БПТнинг энг фаол аъзоларидан Нарғиза Сатторова зиммасига юкланди.

Йиғилиш якунида қуйи бўғиннинг келгуси фаолиятини янада самарали оқимга ўтказиш юзасидан тақлифлар муҳокама қилинди.



БЎКАДАГИ ХАЙРИХОҲЛАР ҚАРОРИ

Бўка туманидаги “Қорақўйли” МФИда фаолият кўрсатаётган БПТ йиғилиши очиқ мулоқот тарзида ташкил этилди. Унда О'zLiDeP туман кенгаши масъул ходимлари, маҳаллий кенгаш депутатлари ва партиямизнинг навқирон аъзолари иштирок этишди.

Йиғилишда ушбу таянч тузилмадан О'zLiDeP Бўка туман партия ташкилотининг XIV конференциясига делегат сайлаш тўғрисидаги масалалар ўрин олди.

Кун тартибидagi муҳим масала юзасидан Бўка

туман партия кенгаши раиси ўринбосари, аппарат раҳбари Шавкат Хаитов ўз фикрларини билдирди. О'zLiDeP мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч сифатида миллионлаб электорат хоҳиш-истакларини ва манфаатларини кўзлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муддатидан илгари бўлиб ўтадиган сайловда муносиб номзод билан иштирок этиши мақсад қилганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг “Қорақўйли” МФИдаги бошланғич партия ташкилоти раиси Б.Абдуллаев, аҳоли вакил-

ларидан И.Жўраниёзов, О.Пўлатова, М.Сайдуллаев сўзга чиқиб, аниқ мисоллар асосидаги мулоҳазаларини баён этишди.

Тадбир давомида О'zLiDeP Бўка туман кенгашининг навбатдаги конференциясига “Қорақўйли” МФИдаги бошланғич партия ташкилоти раиси Б.Абдуллаев делегат этиб сайланди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири

ИМКОНИАТ

Самарқанд вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида гап кетганда Ургут туманига алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Чунки мазкур ҳудудда бу борада катта тажриба тўпланган. Қолаверса, изланувчанлиги ва интилувчанлиги боис давлат томонидан берилётган имкониятдан тўғри фойдаланишни ургутликлар ўрнига қўйишади.

Ишбилармон одамлар таърифни вилоятдан ташқаридаги ҳамкорлар ҳам яхши билишади. Айтилайки, экспорт масаласида қандай деган савол билан юзлансангиз, тўхталмасдан қатор мисоллар келтирилиши мумкин. Бунга туманда 105 та экспортёр корхона фаолият юритаётганидан илғаш қийин эмас. Улар томонидан биргина ўтган йили хорижга сотилган маҳсулотлар қиймати 59 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Фақатгина айтишга осон бу мисолларни, ушбу рақамлар ортида тинимсиз меҳнат мужассам.



Бу йилги режа эса янада юқори олинган. Ургутлик тадбиркорлар экспорт ҳажмини 159 миллион долларлик маррага етказишни ният қилишган. Четга сотилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми санъат улушига тўғри келаётган бўлса, кейинги ўринни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эгаллаб турибди. Зеро, кўёшли юртимизнинг меваларига ҳавасманд бўлган хорижликларга тумандан экспорт қилинаётган маҳсулотлар учун реклама шарт

эмас. Тобора ўз бренди билан танилиб бораётган “LORD FRUITS” МЧЖ томонидан ҳам айна йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. – Президентимизнинг шахсан ўзлари тадбиркорларни қўллаётганидан руҳланиб, “Даладан экспортга” лойиҳаси асосида корхонамиз ва “Ургут яшил олма” фермер хўжалиги билан биргаликда туман ҳудудида етиштирилган 14 турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаб,

замонавий технологиялар ёрдамида қуришиб, қадоқлаган ҳолда экспорт қилаёلمиз, – дейди “LORD FRUITS” МЧЖ раҳбари Бахтиёр Бекбоев. – Мазкур лойиҳага ўтган йилнинг июль ойида старт берилган бўлса, йил якунига келиб 2 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот экспорт қилдик. Жорий йилда АҚШ, Мексика, Саудия Арабистони, Россия, Беларусь, Молдова, Марокаш, Жазоир, БАА, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар ишбилармонлари билан ҳамкорлигимизни янада кенгайтиряпмиз. Аввало, экспорт ҳажми ошишига сабаб бўлаётган оммилар кўп. Фикримнинг исботи сифатида айтишим мумкинки, шу йилнинг 20–24 февраль кунлари Дубай шаҳрида ташкил этилган “Gulfood 2023” халқаро кўргазмасида 125 та давлатдан келган 5000 дан ортиқ компаниялар қаторида биз ҳам фаол қатнашдик. Нуфузли анжуман доирасида 20 дан зиёд компания билан ҳамкорлик шартномаларини тузишга эришдик. Бундай нуфузли кўргазмада қатнашиш харажатлари фақатгина бизнинг давлатимиз вакиллари учун давлат бюджетидан қоплаб берилган



ни ҳам тадбиркорга бўлган муносабатнинг нақадар шаффофлигидан далолатдир. Қолаверса, туман ҳокими ҳам бизга хайрихоҳ, исталган пайтда ўзимизни қийнаётган масалалар бўйича муурожаат қилсақ, кўмак беришди. Корхонада хориждан келтирилган замонавий ускуналарни ўндан зиёд доимий иш ўрнига эга ёшлар бошқаряпти, 40 нафарга яқин мавсумий

ишчилар ишлашмоқда. Дарвоқе, тадбиркор Бахтиёр Бекбоев партиямизнинг тиниб-тинчимас фаолларидан бири сифатида танилган. У бир неча йил О'zLiDePнинг туман кенгаши раҳбари сифатида ҳам фаолият кўрсатган эди.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

ЭЪТИРОФ

“ОЛТИН ҚАЛАМ”:

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



МИЛЛИЙ МЕДИЯ СОҲАСИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ФАОЛ ҚўЛАБ-ҚўВВATЛАШГА ОИД ИЖОДИЙ ТАНЛОВЛАР, ЛОЙИҲАЛАР КўП. ЛЕКИН УЛАР ОРАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” ТАНЛОВИ ҲАМ ШУНДАН ДАЛОЛАТ БERAДИ.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан аънавий тарзда ўтказилаётган ушбу танлов ҳар йили юксак савияда ташкил этилади. Бу йил танлов ғолиби ва совридорларини тақдирлаш маросими “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида ўтказилаётгани ҳам шундан далolat беради.

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси раиси вазифининг вақтинча бажарувчи Холмурод Салимов мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, журналистлар учун кенг имкониятлар яратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳамда уларда фаолият олиб бораётган журналистлар учун янада кенг имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 2023 йилдан бошлаб “Олтин қалам” танлови рағбатлантирувчи номинациялари 5 тадан 12 тага кўпайтирилди.

Унга қўра, Бош миллий мукофот соҳибига энгил автомобиль берилиши белгиланди. 1-ўрин соҳибларига Ўзбекистонда белгиланган базавий ҳисоблашнинг 160 баробари, 2-ўринга 140 баробари, 3-ўринга 120 баробари миқдорда пул мукофоти берилган бўлса, жорий йилдан 1-ўринга 200, 2-ўринга 175, 3-ўринга 150 баробари миқдорда пул мукофоти ажратилмоқда. Шунингдек, рағбатлантирувчи номинация ғолиблигига бериладиган пул миқдори базавий ҳисоблашнинг 50 баробаридан 100 баробарига оширилди.

Журналистлар уюшмаси маълумотига қўра, бу йил “Олтин қалам” XVII Миллий мукофоти учун халқаро танловда ҳар йилгидан кўп – 500 дан зиёд ОАВ вакиллари 4 мингга яқин ижодий ишлари билан иштирок этди. Хусусан, телевидение йўналиши бўйича мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат телеканалларда фаолият олиб бораётган 125 нафар журналист қатнашди. Ҳақамлар ҳайъати томонидан уларнинг 900 га яқин ижодий иши кўриб чиқилди. Танловнинг ушбу йўналиши бўйича материаллари тақдим этилган ижодкорлар орасида халқимиз меҳрини қозонган, кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган, шунингдек,

турли танловларда ғолиб бўлган журналистлар бор.

Радио йўналиши бўйича ҳақамлар ҳайъати томонидан 43 нафар журналистнинг 300 дан зиёд ижодий ишлари кўриб чиқилди. Мазкур йўналиш бўйича танловда иштирок этганларнинг кўпчилиги аёл журналистлар. Уларнинг ижодий ишларида инфорацион-таҳлилий материаллар, Янги Ўзбекистон руҳи, Конституциявий ислохотлар мазмун-моҳияти, замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти, маданият ва санъат намояндалари билан суҳбатлар асосий ўрин эгаллайди.

Бу йил ҳам “Олтин қалам” танловда босма оммавий ахборот воситалари йўналиши бўйича иштирок этган журналистлар 173 нафарни ташкил этди. Уларнинг 1 минг 200 дан ортиқ ижодий иши ҳақамлар ҳайъати томонидан кўрилди. Тақдим этилган ижодий ишларда бугунги долзарб мавзуларга алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларни рози қилиш мақсадида Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар аниқ мисоллар асосида очиб берилган.

Утган йили “Олтин қалам” танловда интернет-журналистика йўналиши бўйича 45 нафар журналист иштирок этган бўлса, бу йил уларнинг сони 76 нафарга этди. Ушбу йўналишда нодавлат интернет нашрлари фаоллиги кузатилди. Танловга тақдим этилган ижодий ишларда ёш журналистлар турли соҳаларга доир кўплаб муаммоларни дадил кўтариб чиққани, журналистик суриштирувлар кўпайгани акс этган. Улар асосида жамоатчилик фикри шаклланиб, ҳатто турли соҳаларга оид



қарор лойиҳаларига ўзгартиришлар киритилганини кўриш мумкин. Интернет-журналистика йўналишидаги ижодий ишлар оммавий ахборот воситалари чиндан ҳам “тўртинчи ҳоқимият” даражасига кўтарилаётганидан далolat беради.

Чет эллик журналистларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, маданият,

туризм ва бошқа соҳаларни ёритишга интилиш кучли бўлгани учун уларнинг мамлакатимиз ҳақидagi ижодий ишлари сони йилдан-йилга ортмоқда. “Олтин қалам” XVII Миллий мукофоти учун халқаро танловда 25 давлатдан 50 дан зиёд журналист қатнашаётгани, улар орасида Европа ва Осиё қитъасидан шу соҳа вакиллари борлиги ҳам бунинг исботидир.

“Олтин қалам” танловининг рағбатлантирувчи номинациялари бўйича жорий йилдан бошлаб 12 нафар журналист мукофотландиган бўлди. Мазкур 12 номинациядан бири – “2022 йилда чоп этилган публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун” йўналиши бўйича ғолибни 28 нафар журналист-публицист орасидан аниқлаш ҳақамлар учун осон бўлмаган.

Танловнинг “Энг яхши фоторепортаж учун” номинацияси ғолиби эса 19 нафар фотожурналистнинг 150 га яқин ижодий ишларини баҳолаш орқали аниқланди. Қолган 10 номинация ғолиблари танловнинг телевидение, радио, босма ОАВ, интернет-журналистика йўналишлари бўйича 500 нафардан зиёд ОАВ

Иттифоқи ва Бельгиянинг GOPA Com., S.A.DNA компанияси ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ўз номинациялари билан иштирок этди.

Дарҳақиқат, “Олтин қалам” – ижод аҳлига муносиб рағбат, журналистикага юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яққол тимсоли. Шу босиб барча сазй-ҳаракатлар мазкур танловнинг холис, шаффоф ва ҳаққоний ўтишини таъминлашга қаратилди.

Тантанали тадбирда телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлар йўналиши, барча номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга махсус статуетка, пул мукофоти, дипломлар тантанали топширилди.

Бош миллий мукофотга Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-нинг журналистика факультети муносиб топилди. Унга энгил автомобиль, махсус статуетка ва диплом тантанали равишда топширилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси



вакиллари орасидан мукофотга лойиқ кўрилган.

Таъкидлаш жоиз, “Олтин қалам” танлови мамлакатимизда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар, қатор хорижий мамлакатлар элчихоналарида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу йил танловда ЮНЕСКО-нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Европа

раҳбарининг ўринбосари К.Алламжонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби Ш.Асадов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
Ўза муҳбири

КИМДИР ҚУТУЛИБ, КИМДИР ТУТИЛМАСИН-ДА!

ОЙНА

...Уч кунча аввал туман марказига кетаётиб қўшни худуддаги катта йўл бўйида жойлашган ўн гектарлик майдонда одамлар тўпланиб турганига кўзим тушди. Тракторлар ер текислаган, илдамроғи далага сув очган, хуллас, шולי экиш тадориги бошланиб кетганди.



Билсам, ўша дала кимовшид савдоси орқали оилаларга бўлиб берилибди.

Олти йил бурунги воқеа эсимга тушди: ўшанда жияним шу ерни фермердан шולי экиш учун олганди. Кейин май ойида сепилган уруғ униб чиқши билан ҳаво қизиби, ёш ниҳоллар нобуд бўлган, иложсизликдан шולי кўчатлаган ва кўзда хирмон кўтарилганида топган даромади сарффу харажатинаям қопламаганди.

Болалик пайтларимиз, ярим асрча олдин, эслаيمان, ана шу дала ўрнида ташландиқ шўрхоқ қўл бўлар, ёз ойларида бел-оёқ оғриғи бор одамлар оппоқ тузга кўмилишиб, шифо топишарди. Кейинчалик бу ерлар ўзлаштирилди, дастлаб бир неча йил шולי экилди, сўнг “олти миллионлик марра учун кураш даври”да кетма-кет чигит қадалди. Бу худудда узоқ йиллар бригадирлик қилган раҳматли Собир ака Исмоилов бир гал шундай деганлари ёдимда: “Бу ер ҳатто экилган чигитини қопламайди, аммо иложсизмиз!”

Жамоа хўжалиги ерлари фермерларга бўлиб берилганидан буён утган деярли йигирма йилда ушбу “бехосият отиз” ва унга ёндош далаларда деҳқончилик қилишга мажбурланган фермерлар айнан шу ўн гектарлик экин учун мутлақо яроқсиз дала туфайли касодга учрадилар. Адамасам, бирор беш фермер “омадини синаб кўрди”. Энди эса...

Ниҳоят, “кимовши”да шу дала талаборларга сотилган ва неча йиллик ғурбатдан эсон-омон кутулган фермер янги ер соҳибларига дабдабали зиёфат қилиб бераётган экан...

Утган йили ишсиз ўтирган келинлар деҳқончилик қилишар, деган умидда ўн беш сотих ер олгандик. Баҳору ёз келинлар экилган помидор картошка ўтоғидан бўшашмади. Йил охирида ҳисоб-китоб қилсак, сарфлаган харажатиимиз зўрға учма-уч бўлибди. Бу йил ана шу оғир юмушлардан безиб, маккажўхори экдик, ҳарна молларга озуқа бўлар деб. Аммо ҳали жўхори униб чиқмасидан олдин майдонни ёввойи қамиш босиб кетди. Қўшни пайкалдаги жойни олган иним баҳор бошида аллақачон тизза бўйи бўлиб қолган ёввойи қамишни йўқотиш учун уч юз минг сўмлик кимёвий дори септирибди. Дори сотган одамнинг айтиши-

ча, қамиш 45 кунда кўриб қоларкан. Дориси сифатсизми ёки ёввойи қамиш яшовчанми, мана орадан икки ой ўтптики, бирор ўзгартиш йўқ, шунча пулга олинган дала эса энди бўш ётибди.

Кам даромадли оилаларга қўшимча даромад топишлари учун Президентимиз топшириқлари билан ажратиб берилаётган ерлар аксар ана шундай кам ҳосиллик, шўрхоқ, бир сўз билан айтганда, деярли экин учун яроқсиз ҳолатда эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Режанинг белига тепадиган бундай хосиятсиз даладан осонгина кутулиб олган фермер хурсанд, бу ёқда эса рўзғоримга қўшимча баракка кирармикан, деган умидда ер олган оила касодга учраса яхшимми?..

Албатта бу хайрли амалиёт ўтган йили илк марта тажрибадан ўтказилган ва расмиятчилик учун масъулларга берилган қўзоғодаги маълумотларга ишонадиган бўлсак... ҳаммаси рисоладагидек зўр, аҳоли гўё мўмайгина даромад қиялпти ҳам. Бир туман ҳоқимлигининг ижтимоий сайтдаги

сахифасидаги маълумотни ўқиб қолдим: “Фалон оила ўзларига ажратилган 15 сотих ердан ўртача 18 миллион сўм даромад олибди...”миш. Муштор бола пайтимдан бери деҳқончилик илмини ўзлаштиришга мажбур бўлган, бирор йигирма йил фермерлик нонини еб кўрган одам сифатида очиқ айта оламаник, бу рақамлар бўрттирилган. Чунки бизнинг Хоразм шароитида ўн беш сотих ер майдонига экилган бугдой йиғиштириб олинган, ўрнига шולי ниҳоли кўчатлаганда ҳам энг кўпи билан етти-саккиз миллион сўм соф даромад олиш мумкин. Бу майдонлар баҳор бошламасида ажратилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу тажрибани қўллаш вақти ўтиб кетган, сабаби, бугдой бир йил олдин куз ўрталарида экилади-да!

Янада хайратланарлиси, вилоятимиздаги айрим ҳоқимликлар ажратилган ер майдонларидан бир мавсумда уч марта ҳосил олингани ҳақида хабар тарқатишапти. Та-саввур қилинг, апрель ойида ажратилган ердан сентябрь-гача, яъни олти ойда қандай қилиб, уч марта ҳосил олиш

мумкин? Йўнғичқа беда бўлса экан, ҳар икки ойда ўриб олинаверса...

Бундай ҳисоблар кимга керак ўзи? Ким кимни алдаяпти? Тилсиз ерни кўп йиллар давомида алдаб келганимиз етиб ортмайдими?

Яшириш мумкин эмас, Орол денгизи қуриши оқибатида воҳода неча ўн йилларки, ерларнинг кучли шўрланиши кузатилмоқда. Бунинг янада аянчли оқибатларини олдиндан кўл ўрнида ўзлаштирилган майдонларда кўряпмиз. Афсуски, бундай далалар оз эмас, обдон ҳисоблаб чиқилса, минглаб гектарларни ташкил қилиши мумкин. Ерлар хусусийлаштирилган даврда фермерларга бириктирилган бундай яроқсиз далаларнинг каттагина қисми “кимовши” савдосига чиқарилди.

Олий маълумотли агроном дўстимизнинг бевосита ушбу мавзуга оид жўяли фикрларига эътибор қаратайлик: “Бугун мамлакатда фермерлар ва кластерлар жуда катта куч. Айниқса, уларга давлатимиз, ҳуқуқимиз томонидан кенг имкониятлар, имтиёзлар яратиб беришмоқда. Албатта, бундан унутмай фойдаланаётган жўяликлар кўп. Лекин шולי курмакис бўлмаганидек, айрим худудларда ҳамон эскича қарашлардан, буйрукбозликдан воз кечолмаётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Ана шундайларнинг касри туфайли баъзан “режабозлик”ка зўр бериляпти. Оқибатда қанча гектар пахта, бугдой ва бошқа экинлар экишга яроқсиз майдонлар қўзғолардагина “экилди” деб кўрсатилиб кетилаётгани ҳам, афсуски, айрим жойларда кузатилмоқда. Энг ёмни, ана шу ерлардан минг азоб билан арзимас шולי ҳосили олиниб келингани ҳам сир эмас. Қизиғи, Худди шундай жойлар аукционда аҳолига сотилди. Аслида менинг тақлифим, бундай майдонларда кичик балиқ етиштириш ҳавзалари қилиш керак. Балиқчилик ҳам озиқ-овқат дастурида етакчи ўрин тутди. Қолаверса, харажати кам, на ёнилги, на минерал ўғит сарфланади. Эрта баҳорда сунъий қўлга сув қўйилиб, балиқ увилдириқлари ташланса, кеч кузгача ейишга яроқли бўлиб, камида 700-800 грамм тош босадиган балиққа айланади. Оддий арифметикани кўринг: 15 сотихлик сунъий ҳовузга ўртача 500 килограмм балиқ етиштириш мумкин. Бу камида 12-13 миллион сўм соф даромад дегани-ку”...

Ер билан тиллашадиган бундай мутахассислар ҳамма ёқда бор, албатта. Уларнинг тақлиф, тавсияларига ҳам қулоқ туттиш керак-да!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Ойдин Ҳожиева:

СЕН ШУНДАЙ БЎЛГИНКИ, ОЗ ВАҚТ КЎРИНМАСАНГ, ЎРНИНГ БИЛИНСИН


Ўзбек адабиёти оғир жудаликка учради. Ўзбекистон халқ шоири, таниқли ижодкор, жамоат арбоби Ойдин Ҳожиева 81 ёшида вафот этди. У 1942 йил 22 апрелда Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Бўстон қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетига тахсил олган. "Шарқ юлдузи" журналида адабий ходим, бўлим мудири, кейинчалик "Гулхан" ва "Саодат" журналларида бош муҳаррирлик қилган.



Бугун қоғоз китоб ва электрон китоб мубоҳасаси тез-тез қулоққа чалинади. Бу қайсидир маънода авлодлар орасидаги баҳсга ҳам ўхшаб кетади.

"Овқатнинг таъми бўлгандай, матннинг ҳам таъми бўлади. Очиғи, интернетда бирор электрон китобни ўқиганда ана шу таъми яхши ҳис қилмайман. Нимадирлар халақит бераверади. Гапнинг шираси қочиб қол-

Қоғоз китобнинг ҳам, электрон китобнинг ҳам афзалликлари ва айни пайтда камчиликлари бор. Босма нашрларнинг яхши томонлари ҳақида гап кетганда: ўқиш жараёнининг ўзбек эстетик завқ бағишлаши, кўпчилик учун қоғоз китоб билан ишлаш қулайроқ ва осонроқ туюлиши, шахсий кутубхона севимли асарларни вақти-вақти билан қайта ўқиш, болаларда мутолагага қизиқишни оширишга хизмат қилишини айтишди. Энг муҳими, қоғоздаги матнни ўқиш



гандай туюлаверади. Босма нашрда бу таъми яхши сезаман. Балки ёшлар мен тополмаётган бадий завқни ҳис этишар, мен мансуб авлод учун шундайидир деб ўйлайман-у, лекин барибир китоб билан, матн билан юзма-юз келиш бошқача", деб ёздаги таниқли шоир Эшқобил Шукур.

Кўп йиллар бурун Дўрмонда Шароф Бошбеков билан театр ва кинонинг фарқи ҳақида гаплашганимда, у: "Театр – балиқ овига бориб, дарёга қармоқ ташлаб, табиат ичиде соатлаб ўтириш, шу жойда ўчоққа ўт ёкиб, тутилган "ўлжа"ни қозонга ташлаб қовуриб ейиш, кино эса балиқ консерванни очиб, ичидеги балиқни паққос туширишдир", деган эди. Китоб матни ва электрон матнда шунга ўхшаш фарқни сезаман.

Мен учун электрон китоб гулнинг профессионал шаклда олинган суратига ўхшайди. Босма китоб эса гулнинг ўзидир. Лекин бу гапларим билан эинҳор электрон китобларни номаъқулла чиқармоқчи эмасман. Мен ўзим ҳақимда гапирдим. Электрон китобларнинг ўқишни маъқул кўрадиган ёшларимиз албатта мутолаани давом эттираверишлари керак".

маълумотни идрок этишни сезиларли даражада яхшилашни тадқиқотлар тасдиқлайди. Сақлаш учун жой бўлиши кераклиги, оғирлиги ва кўтарилмаслиги, оғирлиги ва кўтариб юриш ноқулайлиги, ўқиш учун ёруғлик талаб қилиши, қоғоз сановати ўрмонларни йўқ қилиш орқали табиатга салбий таъсир кўрсатиши каби камчиликлари келтирилади.

Электрон китобнинг афзалликлари сифатида англи ва илҳамлиги, жуда катта миқдордаги маълумотларни сақлаш ва интернетдан керакли асарларни юклаб олиш осонлиги, шрифти ҳажми, экран ёрқинлиги ва бошқаларни сошлаш имконияти санаб ўтилади. Камчиликлари эса кўзга чарчатиши, кўриш қобилияти ёмонлашига олиб келиши, доимий қувватлаш зарурати, қуримла бузилса севимли асарларни йўқотиш эҳтимоли каби жиҳатлар кирди.

Агар одам ўқишни чин дилдан истаса, китобнинг қандай шаклда бўлиши муҳим эмас.

Манзура НОРҚЎҚОРОВА, Шаҳноза ХОЛТЎРАЕВА, Бойсун туманидаги 32-мактаб ўқитувчилари

лар битиб, маданиятимиз хазинасида ноёб дурдек порлаб қолган шираларимиз ҳақида сўйлаб беришга кунт топмадик. Малика Екатерина, кириллица Елизаветанинг ҳаёти бизга ойнадай равшан. Исёнкор шоира Зебуннисо, Нодира бегим, Махзуна, Увайсий, Анбар отин ҳақида дўстларимиздан бир калима сўз эшитолмаймиз.

Иван Грознийнинг шажарасини ҳижжалаб ўқиганмиз. Лекин Афросиёб, Оқсарой харобалари, Ахсиқент қалъаси вайронлари ҳақида қардошларимиз тугул, ўз фарзандларимизга дурустроқ маълумот беролганимиз йўқ.

Узлуксиз ўзга тилда муомала, мурожаат худди ниҳолни пайвандлаганда бузилган навлардек, она тили тароватини йўқотмоқда...

Биз мясига "компьютерлар жойлашган" робот-одамларни эмас, ўз тупроғининг тилига тушундирилган, мураккаб деталларнинг ўзбекча атамаларини биладиган муҳандисларни етказиб беришимиз керак бу Ватанга! Бу институтларда ўзбек тили, адабиёти соатлари гадога садақа бергандек миннатли даражада оз!

Бугунги ёшлар ўз юрти, ўз қадри ҳақида ўйлаб кўрадиган, тарозининг палласига билим посангисини қўядиган ориф авлод. Кечаги куннинг тарозиси уларга тўғри келмайди. Улар бугунги "алгоритм" термини улурғ болболари Ал-Хоразмий шарифдан келиб чиққанини яхши билмайдилар. Аниқ фанларда ўз болларининг бемисл кашфиётлар қилганини ҳам билмайдилар, билмаганлари эса билишга қизиқмоқдалар.

Заррабин, устурул, паргор каби тиббий, жюрлоғи ва ҳандасавий атамаларни ўз тиллариде яратган алломаю ҳакиму муҳандисларни билмайдилар.

Қўқон хони ҳашаматли саройида ёғочдан ишланган улкан куббадор шифтли хонани кўриб, ҳар қандай қомусий илм соҳиб хайрон қолади. Битта миҳ ишлатилмасдан тикланган маҳобатли мунаққаш хонани яратиш учун нечоғлик илму амалу машаққат керак. Кўкўлар ҳавозаларисиз, кўтарма қанларсиз қурилган масжиду мадрасалар, осори-атиқаларни яратган меҳнатқаш халқни ғирт саводсизга чиқариб қўйган қазолар азбаройи инсоф билан гапирсалар бўлар эди...

Ҳар бир халқнинг худди улкан дарахтайд ўқ илдизлари бўлади. Бу, биринчи навбатда, унинг тилидир. Ана шу ўқ илдизи орқали дарахт ҳаёт ширасини эмади, танаси тиркилик сувини ичади, мевалар тугади. Ҳосил, соя-салқин беради. Довул-бўронлардан, гармсел ва тўтергайди.

Биз бир ярим аср зулмат, қизил империя исканжасида яшадик. Тилимиз чиққандан сочимиз оқаргунча, тўтиқушдек сайрашни, бир хил гапни такрорлашни билдик, холос. Бу бизни ўзлгимиздан анча узоқлаштирди. Аждодларимиз сув ичган булоқларнинг кўзини ёпишди. Аёлларимизнинг қўли косов, сочи супурги бўлди. Гўдаклар турли касалликлар билан шифохоналарда нажот кутиб чинқиради. Шўқрлар бўлсинким, мустақиллик шабадалари тилимизни ечиб юборди.

Илҳом келиши – ноёб ҳодиса. У ўт-олов, тошқин сойга ўхшайди. Жонингизга чақмоқ тушади. Тошқин сойга қўйиб берсангиз, ҳамма ёқни вайрон қиламан, дейди. Агар уни яхши ўзанга солсангиз, далангизга, экинлгизга қут-барақа бўлади. Илҳом туллори сизни осмону фалакка олиб ўчади. Илоҳий туйғулар бахш этади. Шериятни шу олов, тошқинлик, шу беоромлик ҳеч қачон тарк этмасин. Расул Ҳамзатов айтганидек, болалар дардсизу шеър дард билан туғилсин.

Бахт – бошқаларга кераклигинида. Сен шундай бўлгинки, оз вақт кўринмасанг, ўрнинг билинсин. Яқинларинг даврасида бўлмасанг, излаб, соғинишин. Шундай яшайдиган инсон ўзини бахтли ҳисобласа арзийди.

Мен ойдин туйғулар, табиатнинг ўзидай мусалло, майин, ёрқин манзаралар куйчиси эдим. 1988-89 йилларда ўтқир муаммоларни кўтариб чиққан мақолаларим ўша йиллари радио орқали такрор-такрор берилди. "Миллатнинг қайғуси нима?", "Мени изтиробга солар бу ўйлар", "Рухимизга ёнғин тушмасин", "Онлар халқнинг ҳусни жамолидир" мақолаларим бунга мисол. Ўша пайларда гўдаклар ўлимни кўп эди. Тугруқхоналарда янги туғилган чақалоқлар онасига берилмай, уч кунгача ҳар хил сут билан боқиларди. Телевидение ўша йиллари менга жуда катта минбар берган. Она сўти ҳақидаги суҳбатим "Гулхан" журналида ҳам чоп этилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан расмий жавоб эълон қилинган. Гўдаклар туғилиши билан ўғиз сўти эмишининг фойдаси тиббиётчилар томонидан маъқуланган ва ўша йиллари ҳар бир гўдак ўз онасининг сўти билан парваришлана бошлади.

...биз йиллар давомида ўзбек аёли тўрт девор ичида, паранжи ва чачовнда эрнинг чўриси бўлиб ўтган, деб ёшларнинг қўлоғига куйиб келдик. Инқилобгача ўзбек халқининг 2 фоизи саводли бўлган, деб ўргатдик. Лекин шам ёруғида шеър-

ҚАЛАМ "ОЛТИН" БЎЛИШДАН ОЛДИН...

Бу йил "Олтин қалам" халқаро танловининг тақдирлаш маросимида илк бор қатнашдик. Сўз ва қалам аҳлига эътиборни, имкониятни қуриб, шу касбини танлаганимдан фахрландим, руҳим бир неча баробар ўсди.



Тақдирланаётганлар учун унутилмас лаҳзаларда менинг ҳам қалбим ҳаяжонга лиммо-лим тўлди. Ҳатто кун келиб қолиб, эътироф этилаётганлар қаторида бўлиш орзум катта мақсадга айланди. Бу осон эмаслигини англаб турибман. Бунинг учун тинимсиз меҳнат, касбга содиқлик ва эл дарди билан яшаш зарур. Мен ҳали англаб улгурмаган қанча мезонлар бор яна.

Шу ўринда бир мулоҳаза: мукофот – шунчаки бир рағбат, бажарган ишларингиз учун миннатдорлик, бажарадиганларингиз учун қувватдир. Аслида, касбингиз сабаб, ҳеч бўлмаса, бир кишининг кўнглига ёруғлик

олиб киришингиз ўзи энг катта мукофот деб ўқитишади устозлар. Уйлашимча, "Олтин қалам" ижодкор зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Урни келганда, бу қаламдан қилич янглиғ кескучи сўзлар ҳам, қалбга ялғам улашувчи бебахо жумалар ҳам қоғозга тўкилиши керак. Ғолиблар ана шу масъулиятни бўйнига олишди ва мен, мен каби юзлаб ёш журналистлар қалбида иштиёқ, ҳавас чўғини алангалатишди.

Муштари КЎДАРТОВА, ЎзДЖТУ 2-босқич талабаси

Footer section containing contact information, website URL, ISSN, and publication details for XXI asr gazette.